

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 76-СЕССИЯСИ ИШИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
21 сентябрь кuni Бирлашган
Миллатлар Ташкилоти Бош
Ассамблеяси 76-сессиясининг
юқори даражадаги умумсиёсий
мунозараларида видеомурожаат
билан сўзга чиқади.**

Давлатимиз раҳбари халқаро ҳамжамиятга минтақа ва глобал кун тартибидagi долзарб масалалар, БМТнинг замонaviй таҳдид ва хатарларга қарши биргаликда чора кўришдаги роли юзасидан ўз нуқтаи назарини тақдим этади ҳамда Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ва ортага қайтмас тус олган чуқур демократик ислохотларнинг мазмун-моҳиятини очиб беради.

Ўзбекистон етакчисининг нутқида, муҳомааларнинг мавзусини ҳисобга олиб, COVID-19 пандемиясининг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини БМТ томонидан эълон қилинган “ҳеч кимни ортда қолдирмаслик” принципи асосида биргаликда енгиб ўтиш масалаларига тўхталиб ўтилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, жаҳон иқтисодиётини тиклаш, барқарор тараққиётни таъминлаш, минтақда ва глобал даражада мулоқотни кенгайтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини илгари суришга, шунингдек, иқлим ўзгариши, атроф-муҳит ва биологик хилмаҳилликнинг таназзулга юз тутиши, Орол дельфинининг қуриши каби трансмиллий таҳдидларга қарши курашишга қаратилган қатор муҳим ташаббусларни илгари суриши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил сентябрь ойида ўтган БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидаги нутқида илгари сурилган барча ташаббуслар халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватлангани ва бугун ўзининг амалий ифодасини топаётганини таъкидлаш лозим.

Уларни амалга ошириш доирасида, жумладан, пандемияга қарши самарали курашни борасидаги чора-тадбирлар қўллаб-қувватланмоқда. Ўзбекистон Республикаси томонидан Пандемия даврида давлатларнинг иxtиёрий мажбуриятлари тўғрисида кодекс ишлаб чиқилган бўлиб, бу борадаги глобал сайёҳаракатларга мамлакатимизнинг ҳиссаси сифатида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан расмий ҳужжат шаклида тарқатилди.

2021 йил май ойида БМТ Бош Ассамблеяси Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида махсус резолюцияни қабул қилди. БМТ шафелигида ташкил этилган Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик траст жамғармаси самарали фаолият юритмоқда.

Ўтган ҳафтада ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Хива шаҳрида “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” халқаро маданият форуми муваффақиятли ташкил этилди.

2021 йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрида БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича Марказий Осиё давлатларининг Қўшма ҳаракатлар режасини бажариш натижалари ва бу борадаги ҳамкорлик истиқболларига бағишланган халқаро конференцияни ўтказиш режалаштирилган.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ВА ОПЕК ХАЛҚАРО ТАРАҚҚИЁТ ЖАМҒАРМАСИ ИШТИРОКИДА «ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ» ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини тубдан янгиллаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш орқали аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш мақсадида:

1. Куйидагилар:

“Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш” лойиҳасини (кейинги ўринларда — Лойиҳа) молиялаштириш учун Ислm тараққиёт банки (кейинги ўринларда — ИТБ) томонидан 5 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олувчи 20 йил муддатта 200 миллион АҚШ доллари миқдоридa қарз ажратилиши тўғрисидаги қарор 2020 йил 19 декабрда Ислom тараққиёт банки Директорлар Кенгаши томонидан ва ОПЕК халқаро тараққиёт жамғармаси (кейинги ўринларда — ОПЕК) томонидан 5 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олувчи 20 йил муддатта 75 миллион АҚШ доллари миқдоридa қарз ажратилиши тўғрисидаги қарор 2020 йил 16 декабрда ОПЕК Директорлар Кенгаши томонидан маъқуланганлиги;

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури (кейинги ўринларда — БМТТД)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Лойиҳани амалга ошириш даврида масъул ижро этувчи органнинг ҳамкори сифатида фаолият кўрсатиши ва у томонидан Лойиҳа учун 3,05 миллион АҚШ доллари миқдоридa грант маблағи ажратилиши;

Лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг улushi 59,95 миллион АҚШ доллари миқдоридaги маблағлардан иборат эканлиги;

Лойиҳа Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятларининг 20 та туманидаги 170 та МФЙ (40 та марказий, 130 та ёндош маҳалла)ларда амалга оширилиши;

Лойиҳани амалга ошириш даври 5 йилни (2021 — 2025 йиллар) ташкил этиши маъълумот учун қабул қилинсин.

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
20 сентябрь кuni Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти —
Элбоши Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Кўп қиррали ҳамкорлиكنинг бугунги юқори суръати мамнуният билан қайд

этилди. Ўзарo савдо ва юк ташишлар ҳажми ортиб бормoқда, авиақатновлар тўлиқ тикланди. Иқтисодийнинг турли тармоқларида кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Худудларo алоқалар ва маданий-гума-

нитар алмашинувни янада кўпайтириш муҳим экани таъкидланди.

Афронистондаги вазиятни ҳисобга олган ҳолда, халқаро ва минтақа кун тартибидaги долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ПРЕЗИДЕНТ БУНЁДКОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 20 сентябрь кuni таълим,
маданият ва тиббиёт соҳаларидаги бунёдкорлик лойиҳалари
тақдимоти билан танишди.**

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 23 июндаги қарорига мувофиқ “Янги Ўзбекистон” университетига асос солинган эди. Қарорда университет учун замонaviй ўқув кампуси бунёд этилиши белгиланган.

Шу мақсадда туркиялик муҳандислар билан биргаликда лойиҳа ишлаб чиқилган.

Тадбирда ушбу лойиҳанинг асосий жиҳатлари, бўлажак бинода яратиладиган шароитлар ҳақида маълумот берилди.

Тақдимотда янги кутубхона лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Бу маънавий уйи Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида барпо этилади. Унинг ташки қўрилиши юртимиздаги қадимий обидаларга уйғун тарзда лойиҳалаштирилган. Улкан китоб фондини

сақлаш, мутолаа, маданий ҳордиқ чиқариш, турли тадбирлар ўтказиш билан боғлиқ барча жиҳатлар инобатга олинган.

Давлатимиз раҳбари шу йил 14 май кuni Республика онкология ва радиология тиббиёт марказига бориб, шароитларни кўздан кечирган эди. Ушбу марказ учун янги бино қуриш вазифаси қўйилиб, Тошкент тиббиёт академияси клиникаси ҳудудидан ер ажратилди.

Хорижий тиббиёт муассасаларининг илғор тажрибаси, шифокор ва беморлар учун барча шароит ҳисобга олиниб, лойиҳа ишлаб чиқилди.

Янги бино 10 қават бўлиб, биринчи қаватда маслаҳат поликлиникаси ва қабул бўлими жойлашади. Юқори қаватларда 650 стационар ва 100 амбулатор ўринга эга даволаш бўлимлари бўлади.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон ИСМОИЛОВ:

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР ЎТКАЗИШ УЧУН БАРЧА ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН



Эркин ва адолатли сайловлар — демократик тизимнинг энг асосий моҳияти ва механизми бўлиб, халқ ҳокимиятичилиги, фуқароларнинг сиёсий бошқарув тизимида иштирок этиши принципини амалда таъминлаш усулларидан биридир.

Мамлакат Президентлигига бўлиб ўтаётган бу галги сайлов, албатта, бу биринчиси эмас, яъни авваллари ҳам

Демократиянинг асосий тамойиларидан бири, бу сайлов эркинлиги эканлиги айнаи ҳақиқатдир. Ҳар бир фуқаро ўз ҳаёт йўлини мустакил ва эркин равишда танлай олиши билан бирга, жамиятнинг барча аъзолари қатори давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалаларини ҳал қилишда иштирок этиш имкониятига эга бўлиши замонaviй давлатнинг қай даражада демократик кўринишда шаклланганлигини кўрсатади.

Зеро, сайловлар воситасида ҳокимиятнинг турли органлари шакллантирилади. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам фуқаролар томонидан мамлакат Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари бевосита сайланади.

Жамиятда айнан сайлов жараёнлари орқали сиёсий қучлар шаклланади, танланган сиёсий йўлнинг жамоатчилик манфаатлари учун қанчалик мос келиши намоён бўлади, шу билан бирга, сайлов жараёнлари фуқароларнинг сиёсий маданияти қай даражада юксалганлигини ҳам белгилаб беради.

Бўлиб ўтган. Бироқ бу сайловга тайёргарлик кўриш, уни ўтказишни ташкил этиш жараёнларини кузатар эканмиз, унда янгича очиклик, ошқоралик, демократия руҳининг намоён бўлаётганлигини яққол сезамиз.

Ташкилий нўқтаи назардан қараганда, сайлов мураккаб ва кўп босқичли жараёндир. Бугунги кунда Ўзбекистонда

Президент сайловига тайёргарлик кўришнинг айрим босқичлари якунланди ёки якунланиш арафасида. Бу эса сайлов кампаниясининг сифати ва салмоғи тўғрисида дастлабки хулосаларни чиқариш имкониятини беради.



4

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛАРИ

**Ушбу масалалар пойтахтимизда “Россия ва Ўзбекистон
ҳамкорлигининг янги тарихий босқичидаги тараққиёт ва
хавфсизлик таҳдидлари” мавзуида бўлиб ўтган
конференцияда муҳокама этилди.**

Форум Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларo тадқиқотлар институти (СМТИ) ҳамда “Валдай” халқаро мунозара клуби томонидан ташкил этилди.

Хамкорлик

Айтиш жоизки, мазкур тадбир СМТИ ва “Валдай” халқаро мунозара клуби ҳомийлигида 2019 йилда Самарқанда “Марказий Осиё ва Евроосиё: глобал тартибсизлик муаммолари олдидa кўп томонлама ҳамкорлик” мав-

кат экспертлар мулоқотининг мантиқий давомидир.

Галдаги анжуманда икки томонлама муносабатлар бўйича етакчи халқаро мутахассислар, “Валдай” халқаро мунозара клубининг сивбат-шунослик, иқтисодиёт, хавфсизлик соҳасидаги нуфузли экспертлари, шунингдек, Россия ва Ўзбекистоннинг оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



4

ТАКЛИФЛАРНИ УМУМЛАШТИРИШГА ТАВСИЯ БЕРИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш, Ёшлар, маданият ва спорт, Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмиталари томонидан академик В. Воҳидов номидаги Республика иxtисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида “Инсон аъзолари ва тўқималари трансплантацияси тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати

Видеоконференцалоқа тарзида бўлиб ўтган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрқоғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда оммавий ахборот во-ситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, илгарилари мамлакатимизда буйрак ва жигар трансплантацияси амалиётлари ўтказилмагани учун кўпчилик беморлар хорижий давлатларда катта маблағ эвазига даволанар ва ҳатто айримлари бевақт оламдан ўтарди.

Сўнгги йилларда ушбу йўналишда олиб борилган изчил ислохотлар боис юртимизда ҳам буйрак, жигар ва ўзак ҳужайрасини кўчириб ўтказиш имконияти пайдо бўлди. Натихада бугунги кунгача юртимизда 700 дан ортқк ана шундай операциялар муваффақиятли амалга оширилди.

Бугунги кунда республикаимизда 5 минг нафар бемор жигар цирро-зидан азоб чекади ва уларнинг 500 нафари, яъни 10 фоизи жигар трансплантацияси амалиётига муҳтож. Ўзтиборлиси, ҳозирги пайтга қадар мамлакатимизда 10 та жигар трансплантацияси бажарилди.

Иштирокчилар томонидан айтилганидек, истиқболда буйрак кўчириб ўтказиш амалиётини йилгига 250 тага етказиш, жигар трансплантациясини эса йилгига 50 тага етказиш режа қилинган. Юрак ва ўпка трансплантациясини йўлга қўйиш устида ҳам иш олиб бориляпти.

Давра суҳбатидa шу каби сайёҳаракатлар бўлаётган бир пайтда инсон аъзо ва тўқималари трансплантацияси борасидаги қонунчи-лигимиз бугунги кун талабига мос эмаслиги боис ушбу қонун лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги айтилди.

Шундан келиб чиқиб, маҳаллий Кенгашлар депутатларига қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини аҳоли ва кенг жамоатчиликка тушунтириш ҳамда уни янада такомиллаштириш юзасидан так-лифларни умумлаштирган ҳолда тақдим этиш бўйича тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».



Газетамизнинг бугунги сонидa сайловолди ташвиқоти доирасида Ўзбекистон Экологик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президент-лигига номзод Нарзулло Обломуродов ўзининг сайловолди дастури бўйича амалга оширадиган ташаббуслари акс этган мақола чоп этилмоқда.

Мазкур мақола Ўзбекистон Респуб-ликаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратил-ган бепул нашр майдони доирасида эълон қилиняпти.

2-саҳифага қаранг. >>>

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 24 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2021 йил 27 августда маъқуланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги ЎРҚ–427-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 4, 135-модда; 2019 йил, № 9, 591-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модданинг:**
биринчи қисмидаги «хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кенгаш раисининг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади»;

бешинчи қисмидаги «хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

олтинчи ва еттинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кенгашнинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва судьялар орасидан тасдиқланган ўн бир нафар аъзоси ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади, Кенгашнинг қолган етти нафар аъзоси ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

Кенгашнинг судьялар орасидан тасдиқланган ва ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширувчи ўн бир нафар аъзоси Кенгаш томонидан унинг раиси тақдимига биноан Кенгашнинг шўъбаси ҳамда Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекцияси таркибига, шу жумладан мазкур тузилмаларнинг раҳбарлари лавозимларига сайланади»;

2) **6-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

судьялик лавозимларига номзодларни энг малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан танлов асосида танлаш, тайёрлаш, лавозимга тайинлаш, шунингдек раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия этиш орқали судьялар корпусини шакллантириш;

судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятини бирон-бир тарзда аралашувдан самарали ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

(Давоми 3-бетда).



БИЗ КЕЛАЖАК УЧУН ЖАВОБГАРМИЗ!

Нарзулло ОБЛОМУРОДОВ
Ўзбекистон Экологик партиясидан
Ўзбекистон Республикаси
Президентлигига номзод

«Биз келажак учун жавобгармиз» деган ҳаётбахш гоё Ўзбекистон Экологик партияси мафкурасининг асосий йўналиши саналади.

Бу гоёни амалга оширишда, қолаверса, изчил экологик сиёсатни олиб бориш ва сиёсий ташаббусларни татбиқ этишда, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, атроф-муҳит ва фуқаролар соғлиғини сақлаш, экологик муаммоларни ҳал этишда, тизимли ўзгаришларга йўналтирилган амалий чораларни кўришда партиянинг Президентлик сайловида иштирок этиши ниҳоятда муҳим воқеа ҳисобланади.

Сайловолди дастури орқали партия сайловчилар эътиборига мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид мақсадларини ҳавола этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Нарзулло Обломуродовнинг сайловолди дастурида экологик муаммолар ва уларнинг ечими, инсон саломатлигини асраш ва соғлом турмуш тарзини таъминлаш борасида мамлакат олдида турган муҳим масалалар ўрин олган.

ЭКОЛОГИЯ – НАФАҚАТ БУГУНГИ ҲАЁТИМИЗ, БАЛКИ ЭРТАНГИ КУНИМИЗ, ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИГА ДАХЛДОР МАСАЛА



Ўзбекистон Экологик партияси Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловида илк бор иштирок этмоқда. 2019 йил 8 январда ташкил этилган Ўзбекистон Экологик партияси қисқа муддатда кенг қўламли ишларни амалга оширишга эришди: қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ноконун чикиндиларни бартараф этиш, ўрмон фондида қирмайдиган қиммат навли дарахтлар кесилишига эълон қилинган мораторийни назорат қилиш, истироҳат болгарини ободонлаштириш, қўчат экиб экобоглар яратиш, биологик хил-маҳилликни сақлаш шулар жумласидандир.

Бутун дунёда, атроф-муҳит ва экологик ҳолат йилдан-йилга ўзгармоқда. Глобал иқлим ўзгаришлари, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, қурғоқчилик каби экологик таҳдидлар бизнинг минтақамизга ҳам бевосита дахлдор. Орол денгизининг қуриши, ер ва сув ресурсларидан ноқўллана фойдаланиш, биологик хилмаҳилликнинг қисқариши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофондининг ёмонлашуви, қўп микродордаги саноат ва майший чикиндиларнинг тўпланиши экологик муаммоларни кундан-кунга чуқурлашиб бораётганидан далолат бермоқда.

Шу вақтгача атроф-муҳит муҳофазаси, экологик вазиятнинг оғирлиги маълум бир ҳудудлар ёки минтақалар билан боғлиқ бўлган бўлса, ҳозирга келиб бу масала умуман чегара билмайди, бу муаммоларнинг аянчили оқибатлари ҳеч бир минтақа, ҳеч бир ҳудуд, қолаверса, бирон-бир мамлакатни четлаб ўтмайди.

Шунинг учун ҳам мамлакатда атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш ва экологик муаммоларни яхлит ҳолда ҳал этишга қаратилган давлат сиёсатини амалга ошириш ҳар доимгидан да долзарб ва муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Экологик партияси ўз олдида мамлакатда экологик хавфсизликни таъминлаш, юзага келаятган экологик муаммоларни изчиллик билан ҳал этиш ҳамда иқтисодий тараққиётни таъминлашда жамиятнинг барча кучларини бirlaштиришга йўналтирилган сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадини қўйган.

Биринчидан. Ўзбекистон Экологик партияси «Яшил тараққиёт — фаровонлик асоси!» шиори остида яшил иқтисодиётни ривожлантириш гоёсини илгари сурмоқда. Бугун ҳаёқонинг энг илгор мамлакатлари «яшил иқтисодиёт»га ўтиш ишларини аллақачон бошлаб юборган. Чунки дунёнинг бугунги қўёфаси, тиклаб бўлмас экологик фалокатлар ва атроф-муҳитга етказилаётган улкан зарарлар шунини таъқозо этади. Ўзбекистон 2019 йилда «яшил иқтисодиёт»га ўтиш стратегиясини қабул қилди.

Ушбу гоёни амалга оширишда устувор вазифалар этиб қуйидагилар белгиланган:

— Давлат бюджетни, банк ва молия институтлари, хусусий сектор маблағларини экологик тоза, энергия тежамкор лойиҳаларни амалга оширишга

йўналтирилган «яшил» молиялаштириш тизимини ривожлантириш;

— «яшил технологиялар» соҳасидаги илмий-тадқиқотлар ва инновацион лойиҳаларни молиялаштириш ҳажмларини ошириш, саноат корхоналарининг «яшил технологияларга ўтишни иқтисодий ва молиявий рағбатлантириш тизимини жорий этиш;

— мамлакат иқтисодиётида «яшил» иқтисодиёт улушини 30 фоизга етказиш, шу асосда йиллик иқтисодий ўсish суръатининг 7 фоиздан юқори бўлишини таъминлаш;

— қайта тикланувчи ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга ўтиш, қайта тикланувчи ва муқобил энергия ишлаб чиқарувчиларга кенг иқтисодий ва молиявий рағбатлантириш тизимини жорий этиш.

«Яшил иқтисодиёт» тамойиллари асосида мамлакатни жадал ривожлантиришга кенг татбиқ этишнинг қайта тикланувчи ва муқобил энергия ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда тежамкор сугуриш технологияларини кенг жорий қилиш чоралари қўрилиши зарур. Бу эса мамлакат миқёсида асосий турдаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳисдорлигини ўртача 25 — 30 фоизгача ошириш имконини беради.

Иқтисодиётда икки қарра энергия самарадорлигига эришиш, «яшил» тарифларни жорий этиш, янги қувватларни ишга тушириш орқали қайта тикланувчи ва муқобил қайта тикланувчи энергия манбаларини улушини бугун мамлакатда амал қилаётган умумий энергия балансида 40 фоизга етказиш мумкин.

Иккинчидан. Бугун саноат корхоналарида йилга ўртача 109 млн. тонна саноат чикиндилари ҳисил бўлади, бугунги кунда уларнинг 6,5 млн. тоннаси, яъни 6 фоизигина қайта ишланмоқда. Сўнги 4 йилда саноат корхоналари 2 бараварга ортиб, шаҳарларда чанг-газ микдори меъёрдан 4 баравар ошган. Атмосферага ташланмаларнинг 90 фоизи Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Наманган, Қўқон, Навоий, Бухоро, Чирчиқ, Ангрен, Олмалик, Бекобод, Гулистон ва Нукус шаҳарларига тўри келади.

Маълумки, ҳосил бўлаётган саноат чикиндиларининг 84 фоизи (2,69 млрд. тоннаси) Тошкент ва Навоий вилоятларига, яъни Олмалик ва Навоий кон-металлургия комбинатлари ҳиссасига тўғри келади. Ушбу корхоналарда чикиндиларнинг деярли 90 фоизи чикинди сифатида эмас, иккиламчи хом ашё сифатида сақланмоқда.

Биргина Навоий кон-металлургия комбинатида сақланаётган чикиндиларнинг 99 фоизи, яъни 1,34 млрд. тоннаси пульпа (олтин рудасини қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган чикинди) ҳисобланиб, унинг таркибиди 3 фоизгача олтин бўлиши мумкин.

Олмалик кон-металлургия комбинатида сақланаётган чикиндиларнинг 99 фоизи, яъни 1,33 млрд. тоннаси тоғ рудасини қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган чикинди ҳисобланиб, уларнинг таркибидан металларни ажратиб олиш бўйича инновацион технологияларни жалб этиш талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикасида саноат чикиндилари билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг 10 йиллик стратегиясини ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистон Республикасининг «Чикиндилар тўғрисида»ги Қонуни аллақачон бугунги кун талабларига жавоб берайи қолган.

Мамлакатимизда ҳамон сақланиб қолаётган чикинди полигонлари масаласи жуда муҳим, ечимни кечиктирилмас муаммага айланган. Ҳозир юрти-миздаги 235 полигондан йилга атмосферага 3,3 миллион тонна иссиқхона газлари ташланмоқда. Улар ер ости сувлари ва тупроқни ҳам ифлослантирмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, санитар тозалаш корхоналарининг қамров кўрсаткичини 100 фоизга етказиш учун 2022 йилда 300 та махсус техника воситаси жалб қилиш, 2025 йилга

ча 95 та чикиндини қайта юклаш кўчма станцияси ташкил этиш, қайта юклаш станцияларини 420 та махсус техника воситаси ва 520 та контейнер билан таъминлаш, 2028 йилгача 167 та полигонни ёпиш ва рекултивация қилиш зарур. Бундай кенг қўламли инвестицияларни амалга ошириш учун хусусий секторни янада кенг жалб этиш чораларини қўриш лозим.

Шу боис ҳам чикиндилардан иккиламчи хом ашё сифатида фойдаланиш йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Чикиндилар тўғрисида»ги Қонунини янги тахрирда қабул қилиш зарур.

Майший чикиндиларнинг бор-йўғи 15 — 20 фоиз қайта ишланади. Қолган қисми эса экотизим учун яна янгидан-янги муаммоларни юзага келтирмоқда. Мазкур муаммони самарали ҳал этиш мақсадида майший чикиндиларни қайта ишлаш ҳажмини 60 фоизга, ҳосил бўлаётган саноат чикиндиларини қайта ишлаш микдорини эса 30 фоизга етказиш бўйича дастурларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли учун қўлай яшаш шароитларини яратиш.

Марказлашган ичимлик суви таъминоти бўйича қатта ишларни амалга оширишимиз, бунинг учун бу йўналишда бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур.

Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини яхшилаш бўйича дастурий вазифаларни амалга ошириш орқали аҳолининг ичимлик суви таъминоти 90 фоизга етказилади.

Ушбу мақсадларда қўйиладиган чора-тадбирлар амалга оширилади:

— ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш, янгиларини қўриш, эскирганларни модернизация қилиш бўйича манзилли дастур, лойиҳалар ишлаб чиқишли, уларни изчиллик билан рўёбга чиқариш орқали шаҳар ва туманларнинг ичимлик суви ҳамда канализация тизими таъминоти яхшиланади;

— қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда суви чуқулаштирувчи локал қурилмалар барпо этиш орқали олис қишлоқ жойларда сув таъминоти сезиларли даражада яхшиланади.

Олдимизда турган яна бир йирик масала атмосфера ҳавосининг мусаффолигини асраш билан боғлиқ.

Инсоният ҳаёти учун энг муҳим омил бўлган атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, унинг сифат кўрсаткичларининг экологик нормативларга мувофиқлигини таъминлаш Экопартиянинг стратегик мақсади бўлиб қолади.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни таъминловчи экологик хавфсизлик талаблари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

— жойларда атроф-муҳитни меъёридан ортқ ифлослантирувчи манбаларни аниқлаш орқали уларнинг технологик жараёнларини модернизация қилиш, янги инновацион технологияларни жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш;

— атмосфера ҳавосига салбий таъсир кўрсатувчи ҳар қандай ҳўжалик фаолияти турларини ифлослантирувчи моддаларни тозалаш ускуналари билан жиҳозланмасдан лойиҳалаштиришни тақиқлаш.

Атмосфера ҳавосидаги қиспорол нафақат инсон, балки борлиқдаги ҳар бир тирик организм ҳаёти учун зарур ресурс ҳисобланади. Биз атмосфера ни ҳар қандай оқибатлардан ҳимоя қилиш учун муҳофаза қилган бўламиз.

Шаҳарлар ва саноат ҳудудларида ҳавонинг ифлосланиши аҳолимиз саломатлигига хиддий хавф солаётганини нафас йўллари, аллергия каби муайян касалликларнинг авж олиши, яшариши мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Жаҳон соғлиғини сақлаш ташкилотининг ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистонда ҳавонинг ифлосланишидан келиб чиқадиган йиллик ўлим даражаси ҳар 100 минг аҳоли сонига 81,1 ни ташкил қилади.

Ҳолбуки, аксарият Европа давлатларида ушбу кўрсаткич 40 дан паст, Руминияда 59,3 ва Болгарияда 61,8 ни ташкил этади.

Шу боис ҳам мамлакатимизнинг йирик ва саноати ривожланган шаҳарларида атмосфера ҳавосига чиқарилаётган углерод, азот бирикмалари, метан ва бошқа газлар чиқарилишини ҳамда чанг микдорини 1,5 баробарга камайтириш энг муҳим вазифалардан биридир.

Ифлослантирувчи моддаларнинг юқорилиги ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, саноат корхоналаридаги чанг-газ тозалаш ускуналарининг маънан эскирганидир.

Тахлилларга кўра, республикадаги мавжуд 6,5 мингга яқин чанг-газ тозалаш ускуналарининг 60 фоиздан ортиғи 10 йилдан ортқ муддатда фойдаланишда бўлиб, маънан эскирган.

Айниқса, Самарқанд (77 фоиз), Сурхондарё (79 фоиз), Бухоро (82 фоиз), Хоразм (88 фоиз) вилоятларида 10 йилдан ортқ фойдаланиб келинаётган чанг-газ тозалаш ускуналари мавжуд.

Тахлиллар шунини кўрсатмоқдаки, ЧГТУга йўналтирилган жами 5,6 млн. тонна ифлослантирувчи моддалар ускуналарнинг яроқсизлиги ёки унга элтувчи қувурларнинг носозлиги оқибатида атмосферага бир йилда ўртача 135 минг тонна ифлослантирувчи моддалар тозаланмасдан тўғридан-тўғри ташланмоқда.

Ўзбекистон Экологик партияси илгари сураётган дастурий мақсадлар қаторида боҳилмаҳилликни ва экотизимларни сақлаш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш масаласи ҳам ўрин олган. Шу мақсадда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонларини мамлакат ҳудудининг 12 фоизига етказиш, республика ҳудудининг ўрмон билан қопланганлик даражасини 7,6 фоиздан 15 фоизга етказишга алоҳида эътибор қаратилади.

Тўртинчидан. Биз барча саъй-ҳаракатларимизни минтақамизда иқлим ўзгаришининг асосий омил бўлган Орол денгизининг экологик фалокати оқибатларини юмшатишга қаратилган инновацион лойиҳаларни амалга ошириш орқали Орол-

бўйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилашга йўналтирамиз.

Бунинг учун, аввало, Орол муаммосини ҳал этишга ҳамда бу муаммонинг Оролбўйи аҳолиси генофондида ва атроф-муҳитга салбий таъсирини юмшатишга жамиятнинг барча кучларини жалб этиш ҳамда Оролбўйи минтақасига экологик инновация ва технологияларни татбиқ қилиш ишларини қўлайитириш талаб этилади.

Қишлоқ ҳўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этиш орқали Оролбўйи ҳудудида Амударёнинг юқори ва ўрта қисмидан йилга камида 5-6 кубкилометр ҳажмида сув юборилишини таъминлаш зарур. Нукус, Бухоро, Урганч, Хива, Навоий, Мўйноқ каби аҳоли яшаш пунктлари атрофида «яшил белбоғлар» барпо этиш ҳамда мазкур ҳудудлардаги истироҳат болгари майдонларини кенгайтириш орқали тоза ҳавони, мўстабил иқлимни яратиш мумкин.

Оролбўйи ҳудудининг Қозоғистон ҳамда Туркменистон билан туташ ҳудудларида трансчегаравий муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этиш масаласи бугун тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бешинчидан. Биз мамлакатда давлат ва жамият бошқарувини янада демократлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, одил судловнинг самарадорлигини, халқимизнинг суд органларига нисбатан қатъий ишончи ва ҳурматини ошириш борасида ихтилолларни изчил давом эттирамиз.

Экопартия табиатни асраб-авайлаш, мамлакатдаги дарахтлар ва сув ҳавзаларини, табиий ёдгорликларни салбий антропоген таъсирдан ҳимоя қилиш учун қатта саъй-ҳаракатларни амалга оширади. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ҳимоя қилиш ва экологик ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни қўлайитиришга қаратилган қўнунчилик ташаббуслари илгари сурилмади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ер, сув ва атмосфера ҳавосига салбий таъсири учун жавобгарлик чораларини қўлайитириш, етказилган зарарни қоплашда «ифлослантирувчи тўлайди» тамойили ишлаши керак.

Бу борада қуйидаги вазифаларни устувор деб ҳисоблаймиз:

— экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фуқаровий, маъмурий, жиний жавобгарлик чораларини қўлайитириш;

— атроф-муҳитга етказилган зарар ўрнини қоплашнинг самарали механизмларини жорий этиш;

— юридик ёрдам ва ҳимоят кўрсатиш тизимини тақомиллаштириш, суд жараёнларида тенглик ва тортишув тамойилларини тўлиқ жорий қилиш, адвокатурани мустақил, ишончли ҳуқуқни ҳимоя қилувчи институтга айлантириш;

— малакавий юридик ёрдам сифатини ҳамда адвокат қасбнинг нуфузини ошириш, инсон ҳуқуқлари соҳасида ихтисослашган ҳуқуқшунослар, хусусан, эколог-ҳуқуқшуносларни тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш;

— воёга етмаган болалар билан ҳуқуқий муносабатларда одил судлов институтларини жорий этиш;

— электрон ҳуқуқмат тизимини янада кенг жорий этиш — давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлигини оширишга алоҳида урғу берилиши зарур. Айниқса, пандемия шароитида ёши қатта фуқароларнинг давлат идоралари ёки аҳолига хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотлар олдида узундан-узоқ навбат кутиб туриши эскича бошқарув тарзининг халигача яшаб келаятганини кўрсатади. Шунингдек, жойларда электрон ҳуқуқмат мувожаат қилиш учун бепул компьютер ва интернет тармоқларининг йўлга қўйилишига ҳам қатта эътиб бор.

Олтинчидан. Соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан ва маданий-маърифий соҳаларни янада ривожлантириш.

Аҳолига табиий ҳимоят кўрсатишни тубдан яхшилаш, илгор хорижий тажрибалар асосида узлуксиз таълим сифати даражасини кўтариш, илм-фан ривожини жадаллаштириш ҳамда маданий-маърифий соҳаларни янада юксалтириш давлат ва жамиятнинг устувор вазифалари бўлиши зарур. Ушбу вазифаларга эришиш мақсадида табиёт соҳасида «**Соғлом муҳит — инсон саломатлиғи!**» шиори остида:

— аҳоли саломатлигини сақлаш, табиий ҳимоят сифатини юксалтириш, фуқароларнинг ўртача ҳаёт давомийлигини оширишга ҳимоят қилувчи табиёт соҳасидаги ҳуқуқий база тақомиллаштирилади;

— рақамли табиётнинг асосий инфратузилмасини яратиш, табиёт соҳасининг моддий-техника базасини қўлайитириш, табиий техника ва дори-дармон ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражаси оширилади;

— санитария-эпидемиология соҳасида потенциал хавф-хатарларни прогноз қилиш, баҳолаш, юқумли касалликлар табиий ўқолари устидан эпидемиологик мониторинг ва эпидемияга қарши профилактик тадбирлар мажмуи амалга оширилади;

— аҳолининг кам таъминланган қатламлари ва экологик номақбул ҳудудлар аҳолиси учун ижтимоий табиий ҳимоят кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилиши ва жорий этилади;

— соғлом турмуш тарзи ҳаётга кенг татбиқ этилади ва оммавий спорт турлари янада ривожлантирилади, соғлом овқатланish маданиятини юксалтириш бўйича мажмуавий чора-тадбирлар амалга оширилади;

Оролбўйи ва бошқа экологик номақбул ҳудудларда экологик ҳолатни тубдан яхшилаш бўйича санитар-эпидемиологик мониторинг тизими ривожлантирилади.

Таълим соҳасида «**Табиатни фидойилар сақлаб қолади!**» шиори остида:

— «яшил» тараққиёт тамойилларини таълим ва фанга интеграция қилиш;

— узлуксиз таълимнинг барча босқичларида экологик таълим-тарбия тамойилларини кенг жорий этиш;

— олий таълим тизимида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналишлари бўйича малакали кадрларни тайёрлашни қўлайитириш;

— мактабгача таълим қамровини 100 фоизга, олий таълим билан қамров даражасини 40 фоизга етказиш;

Илм-фан соҳасида «**Табиатни авайлаш — ҳаётни асраш!**» шиори остида:

— экологик тоза, чикиндисиз ва ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқишга қаратилган илм-фан ривожини жадаллаштириш ҳамда илмий ишланмаларни тижоратлаштириш асосида илмий маҳсулотлар ҳажми ва инновацион маҳсулотлар турлари кенгайтирилади;

— атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги илмий ташкилотларнинг илмий-инновацион фаолиятини иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа эҳтиёжларига тўлиқ мослаштириш, юқори самарадор илмий ишланмалар ва технологияларни жорий этиш қўлами оширилади;

— ҳудудларда экотехнопарклар ташкил этиш ва улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишланмаларини ҳудудларда кенг жорий этиш чоралари қўрилиди.

«Табиат — келажак авлодлардан олинган қарз!» шиори остида маданий-маърифий соҳада қуйидаги вазифаларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади:

— жамиятда юксак экологик маданиятни шакллантириш, она табиатни, ҳумладан, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраб-авайлаш, уларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳиссини қўлайитириш;

— жамиятда экологик маданиятни юксалтириш бўйича миллий дастурни қабул қилиш;

— оила ва маҳалла тизимида инсоннинг табиатга бўлган муносабатини тубдан ўзгарттиришга қаратиш.

Еттинчидан. Ташки сиёсат ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва дўстона қўшничилик муносабатлари минтақасини яратиш гоёсини илгари сурилмоқда.

Ташки сиёсатнинг асосий устувор вазифалари сифатида қуйидагиларни белгилаймиз:

— Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги сиёсатини минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, минтақавий хавфсизликнинг асосий муаммоларини, шу жумладан, Афғонистондаги вазиятни ҳал қилишга ёрдам беришга қаратиш;

— Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёларнинг сув ва энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш, трансчегаравий муҳофаза этилаётган ҳудудларни барпо этиш ва минтақанинг экологик барқарорлигини таъминлашга қаратиш;

— минтақавий савдо-иқтисод

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ«Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»гиЎзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

 (Давоми. Бошланishi 1-бетда).

судьялар орасида коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва уларни барвақт аниқлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш; суд тизимида аниқланган ҳар бир коррупция ҳолатини кўриб чиқиш ва принципал баҳолаш;

Кенгашнинг ҳамда суд тизимининг фаолиятида очиқлик ва шаффофлиқни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш; судьяларни касбий жиҳатдан тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш, судьялар фаолияти самарадорлигини замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш орқали баҳолашда ҳолислик ва шаффофлиқни таъминлаш; раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун муносиб судья кадрларни танлаб олиш, шунингдек уларни рағбатлантириш ва мукофотлаш масаласи юзасидан ташаббус кўрсатиш;

оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш, аҳоли билан мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг судьялар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши масалаларига доир муножаатларини кўриб чиқиш;

суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ва ягона суд амалиётини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ҳамда уни амалга ошириш сифатини яхшилаш бўйича тақлифлар тайёрлаш;

судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги, шунингдек уларни жиноий жавобгарликка тортиш учун ҳулоса бериш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш;»

3) **7-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Кенгаш ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун:

судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлашни ташкил этади; раҳбар судьялик лавозимларига номзодлар захирасини шакллантиради;»

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, раис ўринбосарлари ва судьялари лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига тақлифлар киритади;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари ва раис ўринбосарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари раислари ва раис ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси ва раис ўринбосари лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьяларини, туманлараро, туман, шаҳар судларининг раисларини, уларнинг ўринбосарлари ва судьяларини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари судьяларини, туманлараро маъмурий судларнинг раисларини, уларнинг ўринбосарлари ва судьяларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяларини, ҳудудий ҳарбий судларнинг раисларини лавозимга тайинлайди;

Қорақалпоғистон Республикаси судининг, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судининг судьялик лавозимлариغا тавсия этиладиган номзодлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига қонунга мувофиқ ҳулосалар (тақдимномалар) киритади;

Судьялар олий малака ҳайъатининг ҳулосасига кўра судьяларни уларнинг ваколатлари муддати даврида ўз аризаларига асосан вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьялари, туманлараро, туман, шаҳар судларининг раислари, уларнинг ўринбосарлари ва судьялари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари судьялари, туманлараро маъмурий судларнинг раислари, уларнинг ўринбосарлари ва судьялари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьялари, ҳудудий ҳарбий судларнинг раислари лавозимларига ўтказади;

Судьялар олий малака ҳайъатининг ҳулосасига кўра судьяларни ўз аризаларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси судининг судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси туманлараро, туман, шаҳар судларининг раислари, уларнинг ўринбосарлари ва судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судининг судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси туманлараро маъмурий судларининг раислари, уларнинг ўринбосарлари ва судьялари лавозимларига ўтказиш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига тақдимномалар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшени судьянинг розилиги билан беш йилгача узайтириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимнома киритади;

Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, туманлараро, туман, шаҳар судларининг, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларининг, туманлараро маъмурий судларнинг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг, ҳудудий ҳарбий судларнинг судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшени судьянинг розилиги билан беш йилгача узайтиради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ёхуд Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан сайланадиган судьяларнинг ваколатларини муддатидан илгари тутатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар (тақлифлар) киритади;

қонунда назарда тутилган ҳолларда, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьяларини, туманлараро, туман, шаҳар судларининг раислари, уларнинг ўринбосарлари ва судьяларини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари судьяларини, туманлараро маъмурий судларнинг раислари, уларнинг ўринбосарлари ва судьяларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяларини, ҳудудий ҳарбий судларнинг раисларини лавозимидан озод қилади;

Қорақалпоғистон Республикаси судининг судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси туманлараро, туман, шаҳар судларининг раислари, уларнинг ўринбосарлари ва судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судининг судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси туманлараро маъмурий судларининг раислари, уларнинг ўринбосарлари ва судьяларининг ваколатларини муддатидан илгари тутатиш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ҳулосалар киритади;

судьяларга нисбатан хизмат текширувини ўтказиш тартибини белгилайди;

судьяларни давлат мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади;

судьяларга ва ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширувчи Кенгаш аъзоларига нисбатан хизмат текширувларни ўтказади;

судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади ва материалларни судьяларнинг тегишли малака ҳайъатларига юборади;

ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширувчи Кенгаш аъзоларини интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади;

судьяларни жиноий жавобгарликка тортиш масалалари юзасидан ҳулоса беради;

суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ва ягона суд амалиётини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ҳамда уни амалга ошириш сифатини яхшилаш бўйича, шунингдек қонунчиликни қўллаш масалалари юзасидан тушунтиришлар бериш тўғрисида тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми кўриб чиқиши учун киритади;

судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятига умумий раҳбарлиқни амалга оширади, уларнинг фаолиятини текширади, Судьялар олий малака ҳайъати қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқади, судьялар малака ҳайъатлари раисларининг ҳисоботларини эшитади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг Судьялар олий малака ҳайъатининг қарорлари, ҳулосалари юзасидан тақдимномаларни кўриб чиқади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг судьялар томонидан Судьялар одоби кодекси талабларига риоя этилиши масалаларига доир муножаатларини кўриб чиқади;

судьяларнинг фаолиятини уларнинг касбига муносиблиги нуқтаи назаридан ўрганади;

Судьялар одоби кодексини тасдиқлайди;

судьялар фаолиятини очик ва шаффоф электрон рейтинг дастури асосида баҳолаш мезонларини аниқлаш бўйича чора-тадбирлар кўради;

судьяларни касбий тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этишга доир дастурни тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти директорининг мазкур департамент фаолияти тўғрисидаги ахборотини ҳар йили эшитади;

судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодларнинг, янги ваколат муддатига ёки бошқа судьялик лавозимларига номзодларнинг шахсий ва касбий сифатлари даражасини ўрганиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан, шунингдек

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ВА ОПЕК ХАЛҚАРО ТАРАҚҚИЁТ ЖАМҒАРМАСИ ИШТИРОКИДА «ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ» ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТўҒРИСИДА

 (Давоми. Бошланishi 1-бетда).

2. Белгилансинки:
Иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Лойиҳани ўз вақтида амалга ошириш ва мувофиқлаштириш, шунингдек, ИТВ ва ОПЕК кредитларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича масъул ижро этувчи орган шикобланади;

Лойиҳа доирасида сублоийҳаларни лойиҳаловчи ва пудрат ишларини амалга оширувчи ташкилотларни танлаб олиш “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида очик ва шаффоф усулда амалга оширилади;

Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи барча ташкилотлар Лойиҳа бўйича имзоланган қарз (кредит) битимларида кўрсатилган механизмлар талабларига амал қилади;

Лойиҳани амалга ошириш доирасида ИТВ ҳамда ОПЕКнинг кредитларини қайтариш, шу жумладан, қўшимча ҳақ (устала) ва фоидалар, хизмат кўрсатганлик учун ҳақ ва бошқа тўловларни қайтариш прогноз жадвали 2 ва 3-иловаларга мувофиқ;

“Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш” лойиҳасини доирасида маблағлардан фойдаланиш бўйича «йўл харитаси» 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар:
“Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш” лойиҳасининг асосий техник-иктисодий параметрлари 1 ва 1а-иловаларга мувофиқ;

“Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш” лойиҳаси доирасида ИТВ ва ОПЕК кредитларининг асосий қарзини, унга ҳисобланган фоизаларни ва бошқа тўловларни қайтариш прогноз жадвали 2 ва 3-иловаларга мувофиқ;

“Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш” лойиҳаси доирасида маблағлардан фойдаланиш бўйича «йўл харитаси» 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига асосан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган қарзлар (кредитлар) ҳисобидан юридик шахслар томонидан бошқона ҳудудига олиб қириладиган товарлар божхона божидан озод қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, Лойиҳани амалга ошириш доирасида:

ҳосил бўладиган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳўжалик юритувчи субъектлар маблағлари ҳисобидан тўланади ёки қонунчиликда белгиланган тартибда республика бюджети маблағлари ҳисобидан қўллаб берилади;

олиб қириладиган товарларни божхона божидан озод қилиш ва қўшилган қиймат солиғи суммасини республика бюджети

маблағлари ҳисобидан қўллаб бериш Ўзбекистон Республикасининг Лойиҳани амалга оширишдаги улуши деб ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазири (Т.А.Ишметов)га Ўзбекистон Республикаси номидан ИТВ ва ОПЕК иштирокида “Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш” лойиҳаси бўйича қарз битимларини имзолаш ваколати берилсин.

6. Иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.М.Бобоев):

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.Вафаёв) билан биргаликда Лойиҳа доирасида сублоийҳаларни лойиҳаловчи ва пудрат ишларини амалга оширувчи ташкилотларни “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида очик ва шаффоф усулда танлаб олиш;

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р.Т.Маматов) билан биргаликда Лойиҳа доирасида аҳоли орасида иктимсий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқишда доимий ўзаро ҳамкорлиқни йўлга қўйиш бўйича зарур чораларни кўрсин.

7. Белгилансинки, Лойиҳа доирасида:
танланган қишлоқларда зарурий сублоийҳалар аниқлангандан сўнг, ҳар бир вилоят бўйича амалга оширилиши режалаштирилган тадбирлар юзасидан белгиланган тартибда Лойиҳанинг техник-иктисодий ҳисоб-китоблари ишлаб чиқилади ва экспертиза органларида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Бўхоро, Навоий ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари ҳузуридаги “Ягона бюрутмачи хизмати” инжиниринг компаниялари бюрутмачи ҳисобланади;

Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи билан “Ягона бюрутмачи хизмати” инжиниринг компаниялари ўртасида ҳамкорлик келишувлари имзоланади.

8. Ички ишлар вазирлиги (П.Р.Бобожонов) Иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг бюрутномалари бўйича Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга кўп марталик визалар расмийлаштирилиши, берилиши ва муддати узайтирилишини, шунингдек, уларнинг Ўзбекистон Республикасида вақтинча рўйхатта қўйилиши ва муддати узайтирилишини тез фурсатларда таъминласин.

9. Ҳисоб палатаси (Б.Т.Тураёбов) Лойиҳа доирасидаги маблағларнинг мақсадли ажратилиши ва сарфланishi устидан доимий назорат ўрнатсин ҳамда ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администратсиясига ахборот киритиб бурсин.

10. Коррупцияга қарши кураиш агентлиги (А.З.Бурханов) Лойиҳа доирасида ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши

мансабдор шахслардан ҳамда фуқаролардан Кенгаш фаолияти билан боғлиқ зарур ахборотни, ҳужжатларни ва бошқа материалларни сўраб олади;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг Регламенти ҳамда ваколатига тааллуқли масалалар бўйича низомларни тасдиқлайди.

Кенгаш қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин;

4) **9-модданинг биринчи қисми:**

иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Кенгаш фаолиятига умумий раҳбарлиқни амалга оширади ва Кенгаш зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан масъул бўлади»;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи** ва **саккизинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«суд ҳокимияти мустақиллигини, судьялар дахлсизлигини таъминлашга ва одил судловни амалга оширишга тўқсинлик қилаётган омиллар ҳақида, шунингдек суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига йил якунлари бўйича ахборот тақдим этади;

жисмоний шахсларни, юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилади»;

еттинчи – ўн биринчи хатбошилари тегишинча **тўққизинчи – ўн учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

5) **10-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Кенгаш раисининг ўринбосари:

Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекциясининг фаолиятига раҳбарлиқни амалга оширади, унинг фаолияти самарадорлигини таъминлаш учун жавобгар бўлади;

ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга, шунингдек ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир ишларни ташкил этади;

жисмоний шахсларни, юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилади;

Кенгаш раиси йўлғиғида унинг вазифасини бажаради»;

6) **12-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«электрон рейтинг дастури орқали судьялар фаолиятининг самарадорлигини мониторинг қилиш»;

7) **13-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Кенгаш аъзоси:

ўз фаолиятини қонунга мувофиқ амалга ошириш;

суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципи асосида одил судловни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришда иштирок этиши;

судьялик лавозимларига номзодларни ҳолс ўрганиши; судьялар орасида коррупциявий ҳолатларнинг оқибатлари ва сабабларини, шунингдек уларнинг одил судловни амалга ошириш бўйича фаолиятига аралашishi ҳолатларининг олдини олишга, уларни аниқлашга, чек қўйишга, уларни бартараф этишга доир чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этиши ҳамда бу ҳаракатлари тўғрисида Кенгашга хабар бериши;

Кенгаш мажлисларни маъсхатлашувини сир тутииш ва ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариши туфайли судьяларнинг ва судьялик лавозимларига номзодларнинг шахсий ҳаёти тўғрисида ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларнинг махфийлигига риоя қилиш;

Кенгашнинг нуфузига путур етказиши, унинг ҳолислигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан тийилиши;

ўз фаолиятида манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги ва бу юзига келганда ушбу Қонун 16-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган асосларга кўра ўзини ўзи рад этиши;

Кенгаш томонидан кўрилаётган масалалар бўйича овоз бериши шарт»;

8) **17-модда иккинчи қисмининг:**

иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

учинчи – саккизинчи хатбошилари тегишинча **иккинчи – еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«судьялик лавозимига тайинлаш, ўтказиш ҳақида»;

олтинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«судьяни жиноий жавобгарликка тортиш учун ҳулоса бериш

9) **18-модда:**

биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Кенгаш судьялик лавозимига биринчи марта, навбатдаги ўн йиллик муддатта ва судьялик лавозимида бўлишнинг кейинги

муддатсиз даврига тайинланадиган (сайланадиган) номзоднинг муносиблигини аниқлашда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раҳбарлик лавозимларига номзодни тайинлашда (сайлашда) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан зарур ахборотни сўраб олиши мумкин. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар Кенгашнинг сўрови олинган кундан эътиборан бир ойлик муддатда тегишли ҳулосани тақдим этиши керак»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Кенгаш раиси судьяларнинг дахлсизлигини бузганлик ва одил судловни амалга оширишга аралашганлик ҳолатлари юзасидан прокуратура органларига тақдимнома киритиши мумкин.

Прокуратура органларига киритилган тақдимнома бир ой муддатда кўриб чиқилади ва Кенгаш жиноят иши қўзғатилганлиги тўғрисида ёки уни қўзғатиш рад этилганлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан хабардор қилинади.

Судья ҳуқуқбузарлиқ содир этганилида гумон қилиниб ушлаб турилган тақрирда, судья ушланган пайтдан эътиборан уч соатдан кечиктирмасдан, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига бу ҳақда ушлаб туриш учун асос бўлган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари илова қилинган ҳолда хабар қилиниши шарт»;

10) **20-модда** чиқариб ташлансин;

11) **24-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бўш судьялик лавозимлари тўғрисидаги ахборот Кенгашнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади. Судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган номзодларни кўриб чиқиш мўқобилик асосида амалга оширилади.

Судьяликка номзод бўш судьялик лавозимларини тўлдириш учун танловда иштирок этиш тўғрисида бевосита Кенгашга ариза бериш ҳуқуқига эга.

Судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодларни, янги ваколат муддатига ёки бошқа судьялик лавозимларига номзодларни танлашда Кенгаш томонидан белгиланадиган тартибда турли ўрганиш усулларидан – сўхбат ўтказишдан, мустақил экспертлар томонидан тест синовидан ўтказишдан, берилган муамм

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон ИСМОИЛОВ:

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР ЎТКАЗИШ УЧУН БАРЧА ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

Сайлов комиссиялари фаолиятининг очиклиги, оммавий ахборот воситаларида сайлов жараёнлари қандай ўтаётгани кенг ва тушунарли даражада ёритиб борилаётганлиги, сайлов иштирокчиларига яратилаётган тенг имкониятлар — **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИЧА МУҲИТ** шаклланганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, халқаро ҳамжамият Ўзбекистонда ташкил этилган Президент сайловининг қонунийлиги ва халқаро демократик андозаларга тўла мувофиқ эканлигини эътироф этмоқда. Мамлакатимизга қузатувчи сифатида сайловларда иштирок этиш учун ташриф буюрган ва келиши кутилаётган қузатувчилар сонининг кўплиги ҳам шундан далолат бермоқда.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси сайловларни қузатиш учун ўзининг **кўп сонли миссияси**ни мамлакатимизга юбрганлиги **юқори сиёсий баҳога** лойиқдир.

Бундан ташқари, бугунги кунда **ШХТ, МДХ** каби нуфузли **халқаро ташкилотлар**, турли **парламент бирлашмалари** сайловларда қузатувчи сифатида иштирок этиш истагини билдирди. Шу нуктаи назардан олиб қараганда, халқаро ҳамжамият томонидан кўрсатилаётган бундай эътиборни мамлакатимиздаги демократик жараёнларга ҳамда сайловга тайёргарлик ишларига

берилган **ижобий баҳо** деб эътироф этиш ўринлидир.

Сайлов тизими бир нуктада қотиб қолган, **жонсиз жараён эмас**. Сайлов тизими таъбир жоиз бўлса, барқарор равишда такомиллашиб, ривожланиб борадиган **“тирик организмдир”**. Сўнгги йилларда Ўзбекистондаги янги сиёсий йўл туфайли сайлов тизими изчил такомиллаштириб борилганлиги натижасида барча демократик андозаларга жавоб берадиган **замонавий миллий сайлов тизимига асос солинди**. Ушбу сайлов тизимидаги улкан сиёсий салоҳиятнинг ишга солиниши обод ва фаровон, эркин жамиятни барпо этиш учун демократик механизмлардан янада тўлақонли фойдаланишга пазмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда ўтказилаётган сайлов барчамиз учун **жиддий имтиҳондир**. Бу сайловлар фуқароларимизнинг иқтимоий-сиёсий, иқтимоий-иқтисодий ислохотларни баҳорлашдаги талабчилиги ошиб бораётган бир вақтда ўтмоқда. Шу сабабли ҳам бўлажак сайлов сиёсий етуқлигимиз, демократия ва сайлов эркинлигига бўлган **садоқатимиз синовидир**. Ишончимиз комилки, мамлакатимиз, халқимиз бу имтиҳондан ҳам шараф билан ўтиб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, бекисё Ватанимизнинг ҳар бир фуқаросига ғамхўрлик кўрсатиш, унинг муносиб яшашини таъминлаш борасида бошланган йўлда ишонч билан давом этади.

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Конференция учта сессияга бўлинган ҳолда бўлиб ўтди. Хусусан, биринчи сессияда сиёсат, иқтисодиёт, хавфсизлик, маданий-гуманитар соҳаларда Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигининг ҳолати ва истиқболлари тўғрисида фикр алмашилган бўлса, иккинчи сессияда Ўзбекистондаги ислохотлар билан танишиш баробарида, уларнинг Марказий Осиё ё барқарор ривожланишига таъсири муҳокама қилинди, минтакавий барқарорлик, хавфсизликка доир хавф ва таҳдидлар баҳоланди ҳамда бу соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинди.

Марказий Евроосиёда халқаро савдо ва интеграцияни ривожлантириш масалалари, шунингдек, Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини кенгайтириш учун истиқболли ўсиш нукталари ҳамда ҳаракатлан-тирувчи омиллар эса учинчи сессия иштирокчиларининг асосий мавзуси бўлди.

Ўзбекистон — Россия мулоқотида аънавий тарзда икки мамлакатнинг юқори орган вакиллари — Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев, Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Фарход Арзиев, Россия ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Андрей Руденко қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори Элдор Ариповнинг таъкидлашича, Ўзбекистон ва Россия раҳбарияти икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хос тизимини шакллантирди. Жумладан, давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва бир-галикдаги саъй-ҳаракатлари туфайли икки мамлакат ўртасида ягона уч даражали ўзаро таъсир тизими шаклланган. Унга бош вазирлар даражасидаги қўшма комиссия, бош вазир ўринбосарлари бошчилигидаги ҳукуматлараро комиссия ва вазирлиқлар, идоралар раҳбарлари даражасидаги кичик қўмиталар киряди.

Бундан ташқари, икки томонлама муносабатлар кун тартибининг амалий вазифаларини ҳал қилишга ҳисса қўшадиган, фаол ривожланаётган парламентлараро мулоқот ҳам мавжуд. Мамлакатлар ўртасида хавфсизлик масалалари бўйича алоқалар кучайтирилган. Икки томонлама ҳарбий машқлар мунтазам тарзда олиб боришмоқда. Илим-фан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳам ўзаро муносабатлар сезиларли даражада фаоллашди.

Навбатдаги конференциянинг юқори даражада ўтказилиши экспертлар жамоасининг Ўзбекистонга бўлган катта қизиқиши билан боғлиқ. Мамлакат Марказий Осиё минтақасида алоҳида ўрин тутайди, аҳолиси энг кўп, экспортга йўналтирилган кучли

ишлаб чиқариш салоҳияти ва замонавий курулли қучларига эга. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги сиёсий ҳамда дипломатик алоқалар ҳаққий ишончли иттифоқчилик ва стратегик шериклик хусусиятига эга бўлди. 2021 йилнинг биринчи ярмида мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 3,7 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 30 фоизга ошди. Охириги уч йилда Ўзбекистонда Россия капитали иштирокидаги корхоналар сони 915 тадан деярли 2,2 мингга етди. 2021 йилнинг биринчи ярмида Россия капитали иштирокидаги 240 та янги корхона ишга туширилди. 2019 — 2024 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик дастури, шунингдек, қўямати 25 миллиард долларга тенг 800 дан ортиқ савдо-сармоявий битим ва меморандумлар доирасида фаол ишлар амалга оширилмоқда.

Конференция доирасида “Валдай” халқаро мунозара клуби СМТИ кўмагида клуб ва РФ Олий иқтисодиёт мактабининг бир гуруҳ нуфузли экспертлари томонидан тайёрланган “Евроосиёнинг темир устуни: ютуқлар, муаммолар ва минтакавий боғлиқлик истиқболлари” номли янги тўлими тақдим этилди.

У Осиё, Марказий Осиё, Россия ва Европа ўртасидаги қуруқлик савдосини кенгайтиришнинг муҳим шарти сифатида темир йўл алоқаларига асосланган Евроосиёнинг транспорт-логистика тизимини ривожлантиришга бағишланган. Таъкидла-нишча, темир йўл тармоғи ўзаро боғланишларнинг ва глобал муаммоларга чидамли-лиқнинг энг муҳим омилга айланади.

Шу билан бирга, Марказий Осиё Шарқ ва Ғарб ўртасидаги кўприк ролини ўйнайди. Янги йўлақларнинг транзит маркази ва динамик ривожланаётган минтақага айланади.

Унда Ўзбекистоннинг мамлакат ва минтақанинг транспорт-коммуникация салоҳиятини очиш, шунингдек, Мозори Шариф — Қобул — Пешовар ва Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш каби минтақавий алоқаларни яхшилаш бўйича ташаббуслари акс эттирилган.

Таъкидлаш керакки, 2020 йилда пандемия натижасида Ўзбекистон ва Россия ўртасида темир йўл орқали юк ташвиш ҳажми 8,8 миллион тоннани ташкил этди, бу 2019 йилдагига нисбатан 27 фоиз кўп. Автомобиль транспортда юк ташвиш ҳажми эса 28 фоизга ошиб, жорий йилнинг биринчи ярмида 1,9 миллион тонна-ни ташкил этган.

Конференция доирасида бир қатор тадбирлар ҳам ташкил этилди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

Қонун лойиҳаси — муҳокамада

Шундан келиб чиқиб, ушбу қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадига депутатлар, Қонунчилик палатаси Девони ходимлари ва Соғлиқни сақлаш ва-зирлиги вакилларидан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, ҳудудларда лойиҳада-ги нормалар ва киритилган янгилик-ларни жамоатчиликка тушунтиришга қаратилган бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Худди шундай мулоқот Наманган вилояти қасаба уюшмалари биносида ташкил этилди. Унда депутатлар, ҳудудлардаги даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари, соҳа мутахассислари, жароҳлар ҳамда фаоллар қатнашди.

Таҳлилларга кўра, бугунги кунда вилоятда 890 нафардан ортиқ сурункали буйрак етишмовчилиги билан оғирган беморларни бепул гемодиализ хизмати билан қамраб олиш учун 46 та гемодиализ аппарати фаолият олиб бормоқда.

Давра суҳбатиде қайд этилганидек, жорий йилнинг 6 ойида Чортоқ, Поп, Янгиқўрғон туманларидан ва Фаргона вилоятидан жами 7 нафар беморда буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти илк бор вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида муваффақиятли амалга оширилган. 2019 йилдан буюн эса сурункали буйрак етишмовчилиги бўлган ва буйрак трансплантацияси амалга оширилган беморлар 2 млрд. 437 млн. сўмдан зиёд, шу жумладан, биргина ўтган август ойининг ўзида 148 млн. сўмдан ортиқ маблағ ҳисобидан зарур дори-дармонлар билан таъминланган.

Тадбирда депутатлар томонидан қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зару-рати, унинг мазмун-моҳияти ва аҳами-яти ҳақида атрофлича тушунтиришлар берилди.

Афсуски, мамлакатимизда кўплаб беморлар органлар ва тўқималар трансплантациясига муҳтож. У буйракни кўчириб ўтказиш бўладими, жигар ёки

юрак ва ўпка трансплантацияси бўла-дими, муҳими, фақатгина шу орган-лар трансплантацияси бундай бемор-лар ҳаётини сақлаб қолиши мумкин.

Самарқанд шаҳар кўп тармоқли тиб-биёт марказида “Инсон аъзолари ва тўқималари трансплантацияси тўғри-сида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишлаб ўтказилган давра суҳбати шу мавзуга бағишланди.

Тадбирда Қонунчилик палатаси де-путатлари ва Девони ходимлари, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муам-молари ва парламент тадқиқотлари институти, Соғлиқни сақлаш вазирли-ги вакилларидан иборат ишчи гуруҳи аъзолари марказдаги гемодиализга мўлжалланган бўлимда бўлиб, бемор-лар билан суҳбатлашди, уларга қонун лойиҳаси ҳақида кенгроқ тушунчалар берди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда трансплантация амалиёти дунёнинг кўплаб давлатларида амалга ошири-лади. Юртимизда 500 нафар бемор жигар, 1 минг 500 нафар киши буйрак трансплантацияси амалиётига муҳтож-лигини билдирган.

— Бундан 3-4 йил аввал зарурат туфайли айрим беморлар чет давлат-ларга бориб, катта маблағ эвазига ана шу жароҳлиқ амалиётини ўтка-зишга мажбур эди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депута-ти Муқаддас Ҳазалиева. — Лекин шунга эҳтиёж бор беморларнинг бар-часи ҳам бундай катта маблағ ва им-кониятга эга эмасди. Мана, қисқа вақт ичида юртимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилган ислохотлар нати-жасида трансплантация амалиёти ўзи-мизда ўтказилляпти.

Тадбирда экспертлар ушбу қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳа-заларини билдириб, мазкур ҳужжат мамлакатимизда трансплантация со-ҳасида мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.

Хусусан, жорий йилнинг 17-18 сен-тябрь кунлари Навоий вилоятининг

Хатирчи, Қизилтепа туманларида ҳамда Навоий ва Зарафшон шаҳарларида шифокорлар, соҳа мутахассислари, ин-сон аъзолари ҳамда тўқималарининг трансплантациясига муҳтож, бундай амалиётни ўзида синанган беморлар, МФЙ ва ОАВ вакиллари иштирокида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтқа-зилди.

Таъкидланганидек, жорий йилги Давлат дастурида туманларда тезкор ва малакали тиббий ёрдам кўрсатиш-га ихтисослашган туманлараро ангиокардиохилик марказларини очиш белгиланган бўлиб, бугунги кунда ушбу марказлар босқичма-босқич таш-кил этилмоқда. Бу марказлар аҳолига юқори технологик жарроҳлиқ амалиё-тини узоққа бормасдан туманнинг ўзида амалга ошириш имконини яратди.

Зарафшон шаҳар, Қизилтепа тумани тиббиёт бирлашмаларида ўтган тадбирда йилчиланган томонидан ақин-га қадар туман ҳудудида гемодиализ ускунаси бўлмагани туфайли бемор-лар Навоий шаҳрига боришга мажбур бўлгани, жорий йилда ҳудуддаги тиб-биёт муассасасига гемодиализ аппа-ратининг олиб келингани аҳоли оғирчи-енлиг қилгани таъкидланди.

— Қонун лойиҳаси депутатлар то-монидан концептуал жиҳатдан қўриб чиқилиб, биринчи ўқишда қабул қилин-ган эди. Ҳозирги кунда мазкур лойи-ҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш мақ-садига мутахассислар, экспертлар, кенг жамоатчилик иштирокчида муҳо-камалар ўтказилмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депута-ти Зумрад Бекатова. — Мазкур ама-лиёт эса биринчи навбатда, парла-ментда қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳуж-жатларда сайловчилар манфаатлари-ни янада тўлиқ ифодалашга, ушбу қонунларнинг ҳаётга самарали жорий этилишини ҳамда қонун нормаларин-инг халқчилилигини таъминлашга хизмат қилади.

Давра суҳбати давомида ишчи гу-руҳи томонидан қонун лойиҳаси ҳамда мамлакатимизда трансплантологияни ривожлантириш бўйича жамоатчилик вакиллари муносабатини ўрганиш юза-сидан аҳоли ўртасида сўровнома ўтқа-зилди. Унда 500 дан ортиқ респон-дентлар иштирок этди.

Айтиш жоизки, “Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳока-масига бағишланган бундай тадбир-лар ҳойларда давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

ЭЪЛОН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

илмий-тадқиқот муассасалари тасарруфидаги таянч докторантура ва докторантурага 2022 йил учун қуйидаги илмий йўналишлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

• физика-математика ва техника фанлари; • табиий фанлар; • ижтимоий-гуманитар фанлар.

Қабулга тегишли барча зарур маълумотлар ва талаблар билан Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасалари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва марказлари ҳамда минтақавий бўлимларида танишиш мумкин.

Ҳужжатлар 2021 йилнинг 15 сентябридан 15 октябргача қабул қилинади.

Таянч докторантурага кириш имтиҳонлари ва докторантура учун суҳбат 2021 йил 1 ноябрдан 25 ноябргача бўлган даврда ўтказилади.

Таянч докторантурага кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширади:

— чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил);

— мутахассислик.

Таянч докторантурага кирувчи номзодлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

— олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунча олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга бўлиш;

— муайян илмий натижаларга, шу жумладан, диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган, илмий журналлар ва нашрларда чоп этилган **камида битта илмий мақола** ва илмий-амалий конференцияларда тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларига киритилган **иккита маъруза-тезисга** эга бўлиш;

— хорижий тилни магистратура битирувчисининг тегишли даражасида билиш;

— замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан, интернетдан фойдалана олиш.

Докторантурага кирувчи номзодлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

— фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган хорижий давлатларда олинган илмий даражалар;

— фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган бошқа **илмий даражалар олингандан сўнг** муҳим илмий ютуқларга эришилш, шу жумладан, **фан доктори (DSc)** илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган **камида учта илмий мақолага** ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида **камида иккита тезисга** эга бўлиш.

Бошқа шаҳарлардан келган мутахассислар ётоқхона билан таъминланади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 948. 31 673 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;

Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

Мулоқот

ҚОНУНЛАРНИ ҚОҒОЗБОЗЛИК ВА БЮРОКРАТИК ТЎСИҚСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУМКИН БЎЛАДИ

Адлия вазирлигида Олий Мажлиси Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки маслаҳатчилари, консалтинг ташкилотлари директорлари, “Woman in bussines CA” (WIBCA) дастури сиёсат координатори иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқотда вазирлик ва идоралар раҳбарлари-нинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳа-ларини гендер ёндашув асосида тартибга солиш таъсирини баҳолашга оид билим, малака ва амалий қўникмаларини ошириш масалаларига эътибор қаратилди. Зеро, бундай тартиб-таомил халқаро амалиётда XX асрнинг 60-йилларидан қўлланила бошланган. Бугунги кунда Буюк Брита-ния, Дания, Франция, Германия, АҚШ, Россия, Қозоғистон каби 60 дан ортиқ давлатда самарали йўлга қўйилган.

Қайд этилганидек, мазкур тартиб-таомилни қўллашдан асосий мақсад — давлатнинг сифати ва мувозанатлашган норматив-ҳуқуқий базасини яратиш. Бу орқали ортиқча қонун ҳужжатларини ҳаражат ҳамда муддат, қоғозбозлик ва бюрократик тўсиқсиз қабул қилиш мумкин бўлади.

Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ МУҲИМ

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси, Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси ҳамкорлигида “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда жамоатчилик назоратини кучайтириш” мавзуйда семинар ташкил этилди.

Семинар

Унда сенатор ҳамда депутатлар, Иқтисодий та-раққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш, Инвести-циялар ва ташқи савдо вазирликлари, Ўрмон ҳўжа-лиги ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмиталари, оммавий ахборот во-ситалари вакиллари қатнашди.

Сенат қўмитаси раиси Баҳодир Тожиев томони-дан таъкидланганидек, сўнгги йилларда қўшимча муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил қили-ниб, улар майдонни қарийб икки баробар оширил-ди. Хусусан, “Яшил Орол денгизи” дастури доира-сида 700 минг гектардан ортиқ яшил қопламали ўрмонзорлар, Нукус, Урганч ва Хива шаҳарлари атрофида дарахтзорлардан иборат “Яшил белбоб” барпо этилди. Оролнинг қуриган тубида 1,5 мил-лион гектарда шўр ва қуроқчиликка чидамли қўчат-лар ўтказилди.

Семинарда ана шу эзгу саъй-ҳаракатлар билан бирга, саноат ва корхоналар сони ҳамда қурилиш ишлари ҳажми 2 баробарга, транспорт воситала-ри сони 4 мартага ўсиши ҳисобига улардан чиқаётган чанг-газ миқдори кескин ошиб бораёт-гани ҳам айтилди. Ҳудудларда эса яшил майдон-лар қисқариб борапти. Бу эса экологик муаммо-лар ортиси ва иқлимнинг салбий ўзгаришига са-баб бўлаётди.

Қолаверса, республикамызда дарахт ва бута-ларнинг қимматбаҳо навлари кесилишига қарши мораторий эълон қилинган бўлса-да, 4 мингдан ортиқ қимматбаҳо ва камёб дарахтлар ноқонуний равишда кесилган. Ўз навбатида, маъишй қичқин-диларни қайта ишлаш ҳамда утилизация қилишда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар ўз вақтида бажарилмапти.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Республика-сида “яшил иқтисодиёт”ни жорий этиш ва ривож-лантиришнинг ҳуқуқий асослари, мамлакатимиз-нинг “яшил иқтисодиёт”га ўтish стратегияси дои-расида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, улар натижалари ҳамда экология ва атроф-муҳитни му-ҳофаза қилишда жамоатчилик назорати муҳими-ли хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

«Халқ сўзи».

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари тахририяти ижодий жамоаси “Халқ сўзи” газетаси ходими
Саиджон МАХСУМОВ нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукўр таъзия изхор этади.
Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси ва Қасаба уюшма қўмитаси университет матбуот котиби
Неъматилла МИРЗАКУЛОВ нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукўр таъзия изхор этади.

Халқ сўзи

Народное слово



МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

